



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 11 июнь, № 115 (5282)

Шанба

РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Мөдведев 2011 йил 13-14 июнь кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилиниши мўлжалланмоқда.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

СУРХОНДАРЁ. Бойсун туманида «Умид» кичик корхонаси фаолият бошлади.

Бозори чаққон маҳсулот

Банкнинг 300 миллион сўмлик кредити ҳисобига ташкил этилган ушбу корхонада хорижнинг илғор технологиялари ёрдамида ёстиқ жилдлари, чойшаблардан тортиб, махсус кийим-кечаклар ҳам тайёрланмоқда. Маҳсулот сифатли ҳамда бежиримлиги боис ички бозорда харидорлар назарига тушиб улгурди. Хусусан, ўтган қисқа муддатда ички бозорга 50 миллион сўмлик дастлабки маҳсулот сотилди.

Эътиборлиси, тадбиркор Неъмат Абдуллаев ташаббуси билан амалга ошган ушбу лойиҳа туфайли 80 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН. Норин туманида «Муҳаммадбобур савдо сервис» хусусий корхонаси томонидан пишиқ гишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технология линия ишга туширилди.

Бунёдкорларга қулайлик

Киймати 300 миллион сўмлик ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан бу ерда ойига 500 минг донагача сифатли деворбоп материал тайёрлаш имконияти яратилди.

Айни пайтда корхонанинг 31 кишилик жамоаси ҳудудда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий тураржойлар учун арзон ва сифатли хом ашё етказиб бермоқда.

Н. ҚУДРАТОВ.

САМАРҚАНД шаҳрида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда саломатлик муҳофазаси масалаларига бағишлаб уюштирилган анжуман бўлиб ўтди.

Малакали тиббий хизмат

Тадбирда қишлоқ врачлик пунктларининг тиббиёт ходимлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида ҳуқуқий маданиятни ошириш, аҳолининг малакали тиббий хизматга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида сўз борди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари вилоятда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари билан ҳам таништирилди.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ

хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтирмоқда



Мамлакатимизда хорижлик ҳамкорлар учун яратиб берилган қулай инвестициявий муҳит туфайли дунёнинг кўплаб ривожланган давлатлари билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Натижада сўнгги йилларда кўплаб қўшма корхоналар ишга туширилиб, ички бозор импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлиб бораётир.

Изланиш

Чимбой туманидаги «Lanextrakt» масъулияти чекланган жамияти шундай корхоналардан бири. Мазкур корхонага хитойлик ҳамкорлар томонидан 2 миллион 929,7 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилиши ҳисобига ишлаб чиқариш қуввати икки баробар оширилди. Ўтган йили корхонада икки миллион 394,3 минг, жорий йилнинг беш ойида эса 478,6 минг АҚШ долларилик маҳсулот ишлаб чиқарилгани ана шундан далолат беради.

Эътиборлиси, корхона учун зарур хом ашё — ширинмия ўсимлиги Оролбўйи минтақасида бисёр. Бу эса, ўз навбатида, ушбу ўсимлик илдизидан глициризин маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона фаолиятини янада кенгайтирмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Демократик жараёнларни чуқурлаштириш — аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки кенгайиб бориши, уларнинг оммавий ахборот воситаларида ўз фикрларини ҳамда содир бўлаётган воқеаларга муносабати ва позициясини эркин ифода эта олиши учун нечоғли имконият яратиб берилганлигига боғлиқдир. Шу маънода, мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ҳамда эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу мамлакатимизда демократик жамият барпо этишининг муҳим шартларидан бирига айланган.

Мустақиллик йилларида юртимизда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Соҳага оид қонунчилик базаси мустаҳкамланди, ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликдан тортиб, одамларда эртанги кунга ва келажакка ишонч жамоатчилик фикрининг ҳолатига боғлиқ эканлигини эътиборга олсак, уни шакллантирувчи оммавий ахборот воситаларининг фаолияти кудратли куч эканлигига амин бўламиз. Зотан, ҳозирги замон кишисининг мураккаб ҳуқуқий майдонда ўз ўрни ҳамда унинг сиёсий-

ҳуқуқий фаоллиги кўп омилларга, хусусан, оммавий ахборот воситалари томонидан етказиладиган ахборотларнинг мазмун-моҳиятига боғлиқ-

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

дир. Шу боис оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашда, сўз эркинлиги ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда мазкур институтлар зиммасига муайян вазифалар юкланади.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек «Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тизимлари фаолияти устидан таъсирчан жамоат-

чилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда».

Шунинг учун Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида кўзда тутилган янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қатор тақлифлар берилди. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатишга йўналти-

(Давоми 2-бетда).

Наманган шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ҳамда «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» фонди ҳамкорлигида универсал маданий марказ ташкил этилди.

МУҲТАШАМ МАДАНИЯТ КОШОНАСИ

Мазкур мажмуанинг тантанали очилиш маросимида тегишли идора ва ташкилот вакиллари, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар қатнашишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга керакли шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлашди. Хусусан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкор ташкилотлар билан юртимизнинг барча ҳудудларида мана шундай универсал маданий марказлар ташкил этишни режалаштирган.

Мазкур мажмуани барпо этишдан мақсад фуқароларнинг бўш вақтини қизиқарли ва мазмунли ўтказишлариغا кўмаклашиш, кўнгилсиз тадбирлар орқали маҳаллалар ўртасида ўзаро тотувлик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ёшларнинг иштирокчилиги қўллаб-қувватловчи лойиҳаларни амалга оширишдан иборатдир.

Замонавий миллий меъморчилик усулида бунёд этилган марказ киши диққатини жалб этмай қолмайди. — дейди «Йил аёли — 2010» миллий танлови Наманган вилояти босқичи ғолиби Мадина Мўминова. — Бу ерда ҳар бир киши ўзига керакли маълумотларни олиши ва ўз вақтини мазмунли ўтказишга барча шарт-шароит яратилган. Яқин кунларда марказ

қошида аёллар саломатлигини кўриқдан ўтказиш бўлимини ташкил этишни ҳам режалаштираямиз. Бу ерга келган ҳар бир аёл ўз соғлиғи ҳақида хабардор бўлса, фойдадан холи эмас, албатта.

Марказнинг болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш бўлимида эса келажакимиз

эгаларининг таълим-тарбия олишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Дам олиш кунлари болажонларга бир қанча тўғаракларда бепул сабоқ бериш йўлга қўйилган. Ушбу марказ аёзларидан Азиза Ангурова ўтган йили «Келажак овози» танловида ғолибликни қўлга киритган ёшлардан биридир.

— Бу ерда тенгдошларимизга «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг ёшлар ва болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалари ҳақида мунтазам маълумотлар берамиз, — дейди А. Ангурова. Юртимизда биз, ёшларни қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилаётган бундай ҳайрли ишлардан жуда хурсандман.

Универсал маданий марказда компьютерлар ва замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бизнес-марказ ҳамда ахборот-ресурс маркази ҳам жойлашган. Миллий услубдаги чойхона кўринишига эга катта зал эса тўй ва бошқа тантанали маросимлар учун мўлжалланган.

Қудратилла
НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истеъмол товарлари кўпаймоқда

Мамлакатимизда 2011 йилнинг дастлабки уч ойида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 10,3 фоизни ташкил қилди.

Бир рақам шарҳи

Бу рақам аҳамиятини англаш учун юртимиздаги бугунги фаровонлик, бозорларимиздаги тўқиниликни бошқа давлатлардаги вазият билан таққослаб кўриш зарур. Сабаби, кейинги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мураккаблашиб, ҳатто муҳим истеъмол товарларининг танқислиги кузатилаётир. Шундай мураккаб бир шароитда республика-мизда Президентимиз раҳнамолигида галла мустақиллиги мустаҳкамланиб, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи кафолатли равишда таъминланаётгани хорижликларнинг ҳаваси ва ҳайратини келтираётгани айни ҳақиқатдир.

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз ҳудудлари саноат салоҳиятини ошириш ва истеъмол товарларининг асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича кўламли ишлар амалга оширилди. Қўшимча қувватларни яратишга доир дастурларнинг бажарилиши бўйича фаолият давом эттирилиб, унинг доирасида 205 та, жумладан, озиқ-овқат саноатида 118 та лойиҳа ижроси ниҳоясига етказилгани эътиборлидир. Бу, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг янада кўпайишига, бозорларимиз ўзимизда тайёрланган истеъмол товарлари билан тўлдирилишига хизмат қилаётир.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

ижтимоий-иқтисодий барқарорлик гарови

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилдаги ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси якунларига бағишланган йилгиш бўлиб ўтди.

Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юрт равнақи учун хизмат қилаётгани таъкидланди. Хусусан, 2010 йилда Давлат бюджети тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилиб, иқтисодиётга солиқ юки алоҳида камай-тирилди. Натижада бюджет ижроси яппи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз

миқдорида профицит билан бажарилиб, инфляция даражаси белгиланган прогноз

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

кўрсаткичидан ошмади. Бундай ижобий ҳолат жорий йилнинг биринчи чораги якунларида ҳам ўзифодасини топди.

Йилгишда ўтган йил мобайнида аҳоли фаровонлигини ошириш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш,

иқтимоий соҳа ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича тадбирлар учун 13386,9 млрд. сўм йўналтирилганига эътибор қаратилди. Шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини молиялаштириш учун 114,2 млрд. сўм, сиёсий партияларга 8 млрд. сўмдан ортиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

рилган самарали ҳуқуқий меҳанизми яратиш мақсадида соҳага оид янги қонунлар ишлаб чиқиш ва бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида фикр билдириш билан бирга, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлардаги камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Гап оммавий ахборот воситалари ҳамда уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш ҳақида борар экан, давлатимиз раҳбари томонидан тақдир этилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”-ги яратилажак қонуннинг аҳамияти шундаки, у давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини кучайтиришга

қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Маъжур қонун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиши билан бирга, давлат

ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳар тарафлама кучайтиришга хизмат қилади. Ушбу қонун аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳусидаги ахборотлардан кенг ҳабардор бўлиб туришларини таъминлайди. Бу эса ижро ҳокимия-

ти органлари фаолиятини, юртизмизда амалга оширилаётган ислохотларни, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг очиклиги ҳамда ошқоралигини, мамлакатимиз ҳамда хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар ҳусусида фикр-

миз раҳбари томонидан Концепцияда илгари сурилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Унда жамоатчилик назоратининг турлари,

давлат миқёсидаги ҳар қандай янгилик, шу жумладан, парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти ҳам ахборот ва жамоатчилик назорати тарзида кенг жамоатчиликка етказилишига ҳамда қўллаб-қувватлишига эҳтиёж бор. Буни амалга оширувчи энг самарали восита эса оммавий ахборот воситаларидир.

Шунинг учун Ўртбошимиз Концепцияда ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масаласида бу тизимнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш меҳанизмларини молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ва мустақиллиги каби принципларга алоҳида эътибор қаратди. Улар фаолияти эркинлигининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Оммавий ахборот воситалари ҳодимларининг бу эътиборга муносиб изланувчанлик, ташаббускорлик билан жавоб беришлари ва умумий фаолиятида янгича ёндашув асосида ишлашлари бугунги кун талабларидан биридир.

Қодиржон ОДИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутаты.

Ҳаётимизнинг ҳар бир куни ўзига хос янгиликка эга. Кечагисини бугунга қийслаш мушкул. Шу маънода, айтиш мумкинки, юртизмизда жадал амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ўзгартиш ва янгиланишлар, қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, барчадан замонга мос, ҳамқадам юришни тақозо этмоқда.

РАЎБАТ ТАШАББУСГА УНДАЙДИ

Мен, масалан, ўн бир йилдирки, тадбиркорлик билан шуғулланиб келяпман. Шу давр мобайнида республикамизда биз, тадбиркорларга яратилаётган имтиёз ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда, салмоқли ютукларни қўлга киритдик. Хусусан, ўтган йили “Асака-банк”нинг ҳудудий бўлими-дан 718 миллион сўм миқдорда кредит олган эдик. Бу маблағга Украинанинг “Техно” компаниясидан 30 минг дона товуқ ва 35 мингта жўжа парваришлагга мўлжалланган усуналар харид қилдик. Натижада эндиликда аҳолига йилга 1,6 миллион дона тухум етказиб бераёلمиз.

Бундан ташқари, Навоий шахрининг чўл ҳудудидан ажратилган икки гектар майдонни ободонлаштирдик. Фирмаимизга газ, электр энергияси ва сув тармоқларини уладик.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбир-

корлик йили” деб эълон қилиниши ҳамда шу асосда йил дастури ишлаб чиқилиб, унинг ижроси изчил амалга оширилиши, гапнинг очиги, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда. Чунки юртизмиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган биз, тадбиркорлар фаолиятида янги босқич бошланди-да. Шу боис ушбу йил давомида паррандалар сонини яна ўттиз мингтага қўпайтириш, ишчилар сонини эса 34 нафарга етказиш ниятида-миз.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳалқимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилатдир. Бу фазилат эса мамлакатимизда яратилган шарт-шароит ва қўлай муҳитга яраша ғайрат билан меҳнат қилишни талаб этади.

Тўракул РАҲМОНОВ,
Навоий шахридаги «Навоий кафолат қурилиш» хусусий корхонаси раҳбари.

Ижтимоий ҳимоя мустаҳкам қарор топган жамиятда барқарорлик ва фаровонлик бардавом бўлади. Зеро, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар замирида ҳам инсон ва унинг манфаатларига устувор вазифа деб қарашидек эзгулик муҳассам.

МЕҲР ВА САҲОВАТ ЮКСАЛГАН ЮРТ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 30 майда имзо-ланган “2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсияонер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мамла-

талари билан таъминлаш ишлари ҳам доимо эътибор-да. Биргина жорий йилнинг ўсида мамлакатимиздаги Саҳоват ва Муруват уйлари-га, Қўрғонтепа болалар муруват уйига ҳамда Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказига биттадан “Mercedes-Benz — 510” русумли янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ташкил этилган “Ўзбекистонда ногиронларнинг қучли ва манзилли ижтимоий ҳимояси амалда” мавзусидаги анжуманда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳусусида сўз борди.

— Юртизмизда жисмоний имконияти чекланганлар ва ногиронларнинг ҳам ўзлари хоҳлаган касб-ҳунар эгаллашлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Ш. Саидов. — Улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса ва қўлтиқ-таёқлар билан таъминланмоқда. Шунингдек, протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воси-

“Ambulance” автомашиналари ажратилди. Бундан ташқари, имконияти чекланган кишиларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, республика ҳамда жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашишларини таъминлаш борасида ҳам беқиёс ишлар амалга оширилди.

Анжуманда бундай эзгуликлар ўз самарасини бераётгани ҳам алоҳида таъкидланди. Жумладан, кейинги ўн йилда болаликдан туғма ногиронлар сонини 1,5 бараварга камайти. Имконияти чекланган спортчиларимизнинг турли халқаро мусобақаларда эришаётган натижалари эса йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Буларнинг барчаси давлатимизнинг бағрикенглиги, оқилона сиёсати маҳсули бўлиб, шу туфайли қалбларда меҳроқибат, саҳоват каби инсоний фазилатлар янада юксакроқ бўй чўзмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ

хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтирмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундай имкониятдан унумли фойдаланган жамоада ўтган йили қайта ишланган ширинмия илдиизи қолдиқларидан “ДСП” қурилиш маҳсулотини ишлаб чиқарувчи “Chimboy — Lanwood” масъулият чекланган жамияти ташкил қилинди. Низом жамғармаси 1 миллион 805,1 минг АҚШ долларига тенг бўлган маъжур жамиятда айни пайтда қирқ нафардан зиёд маҳаллий ёшлар меҳнат қилаётган бўлса, улар томонидан ўтган йилда 6 минг квадрат метр маҳсулот хариддорларга етказиб берилди.

Шу қўнларда эса корхонанинг иккинчи тармоғини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги тантаналари арафасида фойдаланишга топширилиши кутилаётган ушбу линия ишга тушган, бир кеча-кундузда минг квадрат метр қурилишбоп маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти ву-жудга келиши билан бирга, яна юз киши иш билан таъминланади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: “Chimboy — Lanwood” корхонасининг навбатдаги тармоғи фойдаланишга тайёрланмоқда.

Шомурот ШАРАПОВ
олган суратлар.



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Миллий матбуот марказида Фавқулдда вазиятлар вазирлиги томонидан “Мамлакат ҳудудида эпидемик ва эпизоотик ҳавфсизлиқни мустаҳкамлаш ва бу борада барқарор вазиятни таъминлаш борасидаги профилактик чора-тадбирлар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари мутасадди ҳодимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, кейинги йилларда сайёрамизнинг у ёки бу нуқтасида эпидемик ва эпизоотик фавқулдда ҳодисалар кузатилиб турибди. Хусусан, “парранда гриппи”, “чўчка гриппи” каби оқибати оғир касалликларнинг тарқалиши айрим давлатларда ўта жиддий вазиятларни юза-га келтирди. Эътиборлиси, мамлакатимизда бундай ҳас-таликлар аниқлангани йўқ. Бу, албатта, юртизмизда аҳоли саломатлигини асраб-авайлашга қаратилаётган давлат сиёсати даражасида-ги эътиборнинг амалдаги са-марасидир. Масалан, соғ-лиқни сақлаш тизимида ҳар қандай инфекциянинг юрти-миз ҳудудида четдан кириб келишининг олдини олишга қаратилган комплекс чора-

станцияси ҳам жойлардаги санитария назорати пунктла-рида мамлакатимизга кириб келаётган йўловчиларни на-миздаги халқа-ро аэропорт-ларда йўловчи-лар санитария назорати пун-ктларида тиббий қўриқдан ўтказилмоқда, траплар ёнида дезинфекцияловчи тўсиқлар ўрнатилган, самолётлар, фойдаланилган траплар ва автолифтлар дезинфекция-ловчи воситалар билан тоза-ланмоқда. Аэропортлардаги санитария назорати пунктла-ри қўшимча тепловизорлар, электрон термометрлар би-лан тўлиқ жиҳозланган. “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик темир йўл компанияси марказий са-нитария-эпидемиология

Анжуман

станцияси ҳам жойлардаги санитария назорати пунктла-рида мамлакатимизга кириб келаётган йўловчиларни на-миздаги халқа-ро аэропорт-ларда йўловчи-лар санитария назорати пун-ктларида тиббий қўриқдан ўтказилмоқда. Шунингдек, жойларда аҳоли ва чорва молларнинг ҳавфли юқумли касалликлари тарқалишининг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Деҳқон бозорлари ҳудудларида ве-теринария-санитария экс-пертизасидан ўтмаган чорва-чилик ва бошқа ветеринария назоратидаги маҳсулотлар-нинг сотилишига йўл қўймас-лик чоралари қўйилтирилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги

қошида ташкил этилган Эпидемияга қарши штабда мавжуд аҳвол мунтазам таҳлил қилиб боришмоқда.

— Мамлакатимизда Пре-зидентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини таъ-минлаш, соғлом турмуш тар-зини қарор топтириш бора-сида муҳим тадбирлар амал-га ошириб келинмоқда, — дейди Соғлиқни сақлаш вази-рлиги бош эпидемиолог Иброҳим Маматқулов. — Республикаимиз ҳудудида турли хавфли касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар дастури иш-лаб чиқилган ва унинг назо-рати доимо диққат маркази-мида. Жумладан, Миллий эмлаш қўнилари ташкил этил-ган бўлиб, ушбу тадбир доирасида болалар полио-миелит, қокшол каби бир қанча юқумли касалликлар-га қарши мунтазам эмлаб келинмоқда. Бунинг учун за-рур бўладиган даво восита-лари давлат бюджети маб-лағларидан сотиб олинмоқ-да ва эмлашлар бепул амал-га оширилаётди.

Фазлиддин АБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЕРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ

қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг муҳим омилдир

Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бугун саноят билан бир қаторда, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Бу борада, аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳи-да эътибор қаратиш талаб этила-ди. Зотан, ҳозирги вақтда юрти-мизда жами суғориладиган май-донларнинг қарийб 49 фоизи тур-ли даражада шўрланган бўлиб, бу-нинг қарийб 18 фоизи қучли ва ўрта даражада шўрланган ерлар-дир, 23 фоиздан ортиғи эса бонитети паст ерлар тоифасига қиради.

Сирдарё вилоятида ҳам айни пайтда қарийб 293 минг гектар су-ғориладиган майдон мавжуд бўлиб, шундан 99 фоизини турли даражада шўрланган ерлар та-шкил этади. Ушбу ҳолатлардан ке-либ чиқиб, Юртбошимизнинг 2008 йил 19 мартдаги “2008 — 2012 йиллар даврида суғориладиган ер-ларнинг мелиоратив ҳолатини ях-

шилаш Давлат дастури тўғрисида”-ги қарори асосида вилоятда 3 та махсус иختисослаштирилган давлат унитар корхонаси ташкил этилди ва уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Айни пайтда ушбу корхоналар жамоаси томо-нидан ҳудуддаги мелиоратив объектларда реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари кенг қўламда олиб бори-лмоқда.

— Ўтган йили 434 километрдан зиёд майдонда зовур тармоқлари тозаланиб, 2 миллиард 729 мил-лион сўмлик пудрат ишлари бажари-лди, — дейди Сирдарё гидро-геология мелиоратив экспедиция-си бошлиғи ўринбосари Ғайбулла Холбеков. — Натижада 13 минг 199 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Жорий йилда

ҳам бу борадаги ишлар қўламини кенгайтириб, ерларнинг унумдор-лигини янада ошириш чора-тад-бирлари изчил ва босқичма-бос-қич амалга оширилаётди.

Қарор ва ижро

Албатта, қилинаётган меҳнат са-мараси беиз кетаётгани йўқ. Жум-ладан, олиб борилган тиклаш-таъ-мирлаш тадбирлари жойлардаги фермер ҳўжалиқлари ер майдон-ларининг ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Боёвут туманидаги “Боёвут” зову-ри тизимида 15,6 километр узун-ликдаги тозалаш ишлари бажари-лиши туфайли “Бекзод Ўролов”, “Зомин”, “Набижон”, “Садриддин ота”, “Фарангиз” каби фермер ҳўжаликлари экин майдонларининг

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

ижтимоий-иқтисодий барқарорлик гарови

(Давоми. Боши 1-бетда).

4,5 млрд. сўм маблаг ажра-тилган. Булар, ўз навбатида, юртизмизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаро-лик жамиятининг бошқа институтлари ролини оширишда айни муддао бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамла-катимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўрсатиб ўтилганидек, “учинчи сектор” деб ном олган фуқа-ролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга кейин-ги уч йилнинг ўсида турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун 11 миллиард сўмдан ортиқ маблаг ажратил-ган. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти-нинг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳ-камлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Йиғилишда тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида иш-лаб чиқилган, чуқур ва ҳар томонлама уйланган мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялашнинг тадриҳий дастури изчил амалга оширилиши туфайли ана шундай натижалар қўлга киритилаётгани, мамлакатимизда иқтисодиёт ўсишининг барқарор суръатлари таъминланаётганига урғу берилди.

Тадбирда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

МАДАНИЙ МЕРОС МУҲОФАЗАСИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Бугун истиқлол шарофати туфайли юртизмизда миллий қадриятларимиз қайта бўй чўзди, тарихий зиёратгоҳларимиз бор жойибасио салобати билан сайёҳларни ўзига мафтун этмоқда. Бунинг учун мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асос яратилгани эса мамлакатимизнинг ана шундай беқиёс маданий бойликлари миқофоза қилиш, уларни келажақ авлодга бекаму кўст етказишдек масъулиятли вазифини бажаришда айни муддао бўлаётди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, таълим, ма-даният ва спорт масалала-ри қўмитасининг “Маданий мерос объектларини муҳо-фаза қилиш ва улардан фой-даланиш тўғрисида”ги ва “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб ки-рилиши тўғрисида”ги қонун-ларнинг Қорақалпоғистон

Республикасида-ги ижроси бўй-ча ўтказилган на-зорат-таҳлил якунларига ба-ғишланган йиғилишида шу-лар ҳақида алоҳида таъкид-лаб ўтилди. Унда қўйи пала-та депутатлари, тегишли ва-зирлик ва идора вакиллари ҳамда ОАВ ҳодимлари иш-тирок этди.

Дарҳақиқат, мамлақати-мизнинг қайси гўшасига борманг, бир неча минг йил-лик тарихий обидаларга, бири-биридан қўқам ман-зараларга, жаҳон цивилиза-циясининг ноёб дурдонала-рига ғувох бўласиз. Қорақал-поқ диёрида ҳам бугунги кунда давлат муҳофазасига олинган 255 та маданий ме-рос объектлари мавжудлиги фикримизнинг яққол тасди-қидир. Республика ва маҳал-лий аҳамиятга эга бу каби салмоқли мероснинг 48 таси тарихий-меъморий, 120 таси археологик ҳамда 87 таси монументал ёдгорликлар-дир.

Йиғилишда Қорақалпо-ғистон Республикасида мо-ддий-маданий мерос объект-ларини асраш, таъмирлаш ва тиклаш, уларнинг мазмун-моҳиятини ёйш авлодга, шунингдек, сайёҳларга кенг тарғиб қилиш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинаётгани қайд этилди. Чунонки, ҳудуддаги Назлум-хон сулуви, Султон Увайс бобо, Қаландар доғли, Шайх Аббос Вали, Ҳаким ота (Сулаймон Бокирғоний) каби тарихий иншоотлар қайта таъмирланди, Тошхирмонте-

Парламент
назорати

па, Гавурқалъа, Кердер-қалъа, Қуйиқалъа каби археологик масканлардан илмий изланишлар олиб борилаётди. Тадбирда Қорақалпоғис-тон Республикасида мада-ний мерос объектларини асл ҳолича сақлаш ва уларни му-ҳофаза қилишда камчилик-лар мавжудлигига ҳам эъти-бор қаратилди. Хусусан, жойлар-да айрим раҳбар-ларнинг қонун та-лабларини яхши қилиш ва улардан фойдала-ниш инспекцияси томонидан тегишли чоралар қўрилаётди. Йиғилишда “Маданий бойликларнинг олиб чиқили-ши ва олиб кирилиши тўғри-сида”ги Қонун ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар қилинаётгани ҳақида ҳам сўз борди. Бу борада Қорақалпоғистон Республи-каси божхона бошқармаси тасарруфидаги 11 та бож-хона пости ҳам самарали фаолият юритиб келаётди. Хусусан, 2010 йилда улар томонидан қонун ҳужжатла-ри бузилиши, маданий бой-лик никоби остида миллий ўлғиммиз, маънавий-ахло-қий фазилатларимиз ва қад-риятларимиз, манфаатлари-мизга тўғри келмайдиган маҳсулотлар ҳамда китоб-ларни олиб кириш бўйича 39 та, жорий йилнинг ҳозир-ги давригача эса 23 та ҳолатнинг олди олиниб, айб-дор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўрилди.

Тадбирда назорат-таҳлил якунлари бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Санджон МАХСУМОВ.

2011 йилда бу кўрсаткич 7,5 мил-лиард сўмдан оширилиши кўзда ту-тилган. Хусусан, ушбу йилнинг ўтган 4 ойда ҳудуддаги 165,9 кило-метр узунликдаги тармоқларда таъмирлаш-тиклаш ишлари бажари-лди.

Албатта, бундай кенг қўламли чора-тадбирларни самарали олиб боришда юқори қувватли техника-лар ҳамда уларни бошқараётган моҳир мутахассислар, механизма-торларнинг хизмати ва ҳиссаси катта бўлаётди.

— Қунига 1000 куб метр ҳажм-даги тупроқ ишларини бажараяп-миз, — дейди Мირзабод тумани-даги “Деҳқонбод” сув истеъмол-чилиги уюмаси ҳудудида меҳнат қилаётган экскаваторчи Тўхтамурод Нурастов. — Бунинг учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Иш-нинг узлуқсиз ташкил этилаётгани, обйик маошимизнинг ўз вақтида бе-рилаётгани, озиқ-овқат ва қўлай яшаш шароити билан таъминлан-ганимиз иш унумдорлигининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Шомурод ХОЛМУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё
томонларда

Термиз туманидаги “Сурхон” фермер хўжалиги 60 миллион сўмлик маблаг эвазига 4 гектар майдонда йилга 3,5 тонна пархез гушт етиштирадиган балиқчилик ҳавзаси бунёд этди.

Балиқчилик –
даромадли
соҳа

Ўзининг гишт заводига эга, чорвачилик ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйган хўжаликда бу бешинчи ишлаб чиқариш тармоғидир. Жорий йилда вилоятда яна 8 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш, 365 тонна балиқ етиштириш кўзда тутилган. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан қарийб икки баравар кўпдир.


Чармдан
бежирим
ашёлар

“Бойсун тери” хусусий корхонасида чорва моллари терисини қайта ишлаш ва тайёр чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда банкнинг 100 миллион сўмлик кредити қўл келди. Ҳозир бу ерда хорижнинг илғор технологиялари ёрдамида ойига 50 миллион сўмлик чарм маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Корхона жамоаси эндиликда футбол, волейбол, гандбол тўплари ва бошқа спорт анжомлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш тараддудида.

Олимжон УСАНОВ,
Нормурад ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.



Яқиндагина Гавайя оролларидаги расадхонага ўрнатилган дунёдаги энг улкан “Кек — 1” телескопи ёрдамида Тарози буржи таркибида “581G” планетаси топилганди. У Ерга ўхшаш, дея тахмин қилинганидан ҳам хабарингиз бор. Охириги йилларда эса илм-фан аҳли ва шинавандалари само жисмлари хусусидаги яна бир қизиқарли, айни пайтда салмоқли маълумотлардан воқиф бўлди. Уларда бу борада амалга оширилаётган тадқиқотларнинг тарихи ва бугуни кенг ҳамда атрофлича ёритиб берилган.

Таъкидланишича, бундан чорак аср муқаддам олимлар Қўёш тизимидан ташқарида сайёралар борлиги ҳақида фақатгина хаёл сурган эканлар. Ниҳоят, 1988 йилга келибгина мазкур илмий фаразларни исботловчи далиллар қўлга киритилган. Бизнинг галактикамиз

Сўнгги йилларда астрономия соҳасида кўплаб кашфиётлар амалга оширилмоқда. Чексиз само бағрида сочилиб кетган ва узоқ вақтгача фанга номаълум юлдузларнинг бир нечтаси аниқлангани, ҳатто уларнинг айримларида ҳаёт аломатлари бўлиши мумкинлиги ҳақидаги турфа хабарлар эътиборимизни тортади. Изланишлар натижасида коинотга оид хариталар янада бойиши баробарида, сирли олам синоатларга нақадар бой эканлиги исботланмоқда.

ЭКЗОПЛАНЕТАЛАР

ёки само саҳнасидаги ғаройиб кашфиётлар

рок ўрганишга имкон яратмоқда. Бугунги кунга келиб тасавури-мизга сиғдиришимиз қийин бўлган сарҳадларда жойлашган кўплаб

ган чўққиларни янада кўпроқ забт этишда айни муддао бўлди. Ушбу телескоп ёрдамида Оққуш ва Лира буржлари орасидаги ҳудуд ва тах-

Фан ва амалиёт

Унга ўрнатилган сезиғр оптик воситалар самодаги кучсиз ёруғликни илғаш ва экзопланета йўлдошларига назар ташлашда асқотмоқда.

Маълумки, сайёраларнинг ўлчами у ерда ҳаёт бор ёки йўқлигига ойдинлик қиритишда қўл келади. Масалан, Ерга нисбатан катта, оғир ва гравитацияси ҳам шунга яраша бўлган жисмларда бундай шароитлар йўқлиги исботланган. Ҳозир Қўёш тизимидан ташқарида мавжудлиги тасдиқланган сайёралар-

нинг асосий қисми заминимиздан бир неча баробар улкан. Умуман олганда, айни пайтгача экзопланеталарнинг 1235 таси аниқланди. Улар Қўёш тизимидан 500 — 3000 ёруғлик йили масофасида жойлашган бўлиб, 68 тасининг ўлчами Ерникига ўхшаб кетади. 288 таси қураи заминимиздан катта, лекин Юпитер ва Сатурндан кичкина. Диаметри бўйича 662 таси Нептун, 165 таси Юпитер билан деярли тенгдош. 19 таси эса галактикамизнинг энг баҳайбат “вакили”дан ҳам каттароқдир. Эътиборлиси, уларнинг 54 тасида сув суюқ ҳолатда учраши тахмин қилинмоқда. Яна бир қизиқ томони, “Кеплер” Қўёшга ўхшаш бир юлдуз топди. Унга “Kepler — 11” номи берилди. Ушбу жисм Ердан 2 минг ёруғлик йили узоқликдан ўрин олган. Атрофида олтита сайёра бир текисликда айланиб туради. Барчаси Ердан азим-рок. Бештаси ўз қўёши теграсида ҳаракатланиши учун 10 кундан то 47 кунгача вақт сарфлайди. “Kepler — 11” билан унинг атрофидagi энг узоқ жисм ўртасидаги масофа Ер билан Қўёш орасидаги узунликдан икки марта қисқа. Ўзига хос томони, “Kepler — 11”нинг зичлиги зефир (шакарга босилган қуюқ шинни)никига ўхшаб кетади. Бундан ташқари, беш сайёралик (битта), тўрт сайёралик (сақизта), икки ёки уч сайёралик (юздан ортик) галактикалар ҳам топилди. Мухтасар айтганда, коинот сўнсиз ёриткичлари билан мудом нур сочиб турса-да, унинг қоронғи нуқталари кўп. Ушбу чексизлик эса инсоният учун доимий изла-ниш манбаи бўлиб қолаверади.

С. МАХСУМОВ.

узиб қўяди. Шуниси эътиборлики, мазкур янгилик жорий этилган хонадонларда энергия истеъмолида тежамкорлик кузатилмоқда. Смарт картали ҳисоблагичларнинг самараси, шунингдек, тўлов интизомида ҳам акс эта бошлади.

Вилоятда жорий йил охиригача 50 минг хонадонга смарт картали электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш режалаштирилган. Бу режани жамият қошида ташкил этилган 180 кишидан иборат гуруҳ амалга ошириб, назорат қилиб бормоқда.

Н. ҚУДАРАТОВ.

Миллий ҳунармандчилик намойиши

Бухоро вилояти ҳокимлиги, “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва бир қатор нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда анъанавий “Иппак ва зираворлар” фестивали ташкил этилди.

Фестиваль

Уч кун давомида кўхна Арк қалъасидан Лабиҳовуз майдониға қадар бўлган ҳудудда табиий иппак матолари, миллий кўғирчоқбозлик, зардўзлик, заргарлик, қўлолчилик, мискарлик ва ёғоч ўймакорлиги каби ҳунармандчилик буюмлари камалак рангларда товланиб турди. Унда нафақат мамлакатимиз, қўшни давлатлардан ҳам халқ амалий санъати усталари қатнашгани ушбу фестивалга қизиқиш катта эканлигини кўрсатди. Мазкур тадбир халқимизнинг бой меросини асраб-авайлаш ва бойитиш, сайёҳликни ривожлантириш нуқтаи назаридан фойдали бўлади.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Ҳақамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали БОШЛИҒИ ЕРДАМЧИСИ лавозимига олий юридик маълумотта эга бўлган Ўзбекистон фуқароси танлов асосида ишга қабул қилинишини маълум қиламиз.
Шу билан бирга, доимий фаолият кўрсатувчи ҳақамлик суди СУДЬЯЛИГИГА олий юридик ҳамда иқтисодий маълумотта эга бўлган, Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турувчи ёши 25 дан кичик бўлмаган фуқаролар қабул қилинади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Катта Дархон кўчаси, 25-уй. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 237-28-54, 237-16-98.

«ЎЗТРАНСГАЗ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
Ҳурматли юртдошлар!
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги
283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ,
жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрига
қадар республика табиий газ
истеъмолчилари тўлиқ хатловдан
ўтказилмоқда.


Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорлиқни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

«Fitch Ratings»
нуфузли халқаро рейтинг
агентлиги
2011 йилнинг июнь ойида
«АГРОБАНК»
очик акциядорлик
тижорат банкининг
халқаро кредит рейтинг
истиқболини
«БАРҚАРОР»
даражада тасдиқлади.
Бизнесингиз ривож
сари барқарор
ҳамкорни танланг!

«АСАКА» банк (ОАЖ)
омадаларга қуйидаги янги
муддатли омонат турларини тақлиф этади.
МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ
«ТАЪТҚҚ-8010»
Саломатли муҳлати — 18 ой.
Қасбонингтон фондида бир чоракда би омонат бунгоғанда бериллади.
ХОРИЖИЯ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ
«КАФФАТАНН-1» — АХШ ДОЛЛАРИДА
Саломатли муҳлати — 18 ой.
Қасбонингтон фондида бир чоракда би омонат бунгоғанда бериллади.
Ушбу омонат турларини
банкнинг барча филиалларида очни мумкин.
Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиалларига телефонлари
120-20-01, 120-20-02, 120-20-03.

1.	Тошкент шаҳри филиали	120-20-01	120-20-01
2.	«Асака» (Ақтоо) филиали	120-20-02	120-20-02
3.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-03	120-20-03
4.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-04	120-20-04
5.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-05	120-20-05
6.	Тошкент шаҳри филиали	120-20-06	120-20-06
7.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-07	120-20-07
8.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-08	120-20-08
9.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-09	120-20-09
10.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-10	120-20-10
11.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-11	120-20-11
12.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-12	120-20-12
13.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-13	120-20-13
14.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-14	120-20-14
15.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-15	120-20-15
16.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-16	120-20-16
17.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-17	120-20-17
18.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-18	120-20-18
19.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-19	120-20-19
20.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-20	120-20-20
21.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-21	120-20-21
22.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-22	120-20-22
23.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-23	120-20-23
24.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-24	120-20-24
25.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-25	120-20-25
26.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-26	120-20-26
27.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-27	120-20-27
28.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-28	120-20-28
29.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-29	120-20-29
30.	Ўзбекистон шаҳри филиали	120-20-30	120-20-30

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРАЛАРИНИНГ САМКАРАДАГИ
ОМОНАТЛАРИНИ САМКАРАДАГИ ФОНДИ ТУЗИМИДАН САМКАРАЛАРДА
Самкара омонатларининг
■ Самаркара ва Самаркара фондидаги омонатлар
■ Самаркара ва Самаркара фондидаги омонатлар
■ Самаркара ва Самаркара фондидаги омонатлар
■ Самаркара ва Самаркара фондидаги омонатлар



Айниқса, мустақиллик йилларида ушбу соҳага янада катта эътибор қаратилди. Хусусан, Президентимизнинг 1998 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 майда қабул қилинган “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори миллий театр санъати ривожини учун муҳим аҳамият касб этди. Мана, орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Хўш, ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шу вақт мобайнида қандай ишларни амалга оширди?

— 1998 йилда театр санъатида доир давлатимиз томонидан қабул қилинган ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар фаолиятимизга жон бағишлади, — дейди “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Омонулло Ризаев. — Даставвал, аксарият театрларнинг биноси янгиланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Юртимиздаги театр жамоалари мамлакатимизда ўтадиган байрамларда, оммавий сайилларда, шунингдек, маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этишаётир. Эндиликда театрларимизда мустақил-

Миллий маданиятимизнинг узвий бўлаги бўлган театр санъати тарихан катта йўлни босиб ўтган. Унинг илдиэлари халқ ўйини ва томошаларига бориб тутаэади. ХХ асрга келиб, ўзбек театр санъати янгитдан — юртимиз ва жаҳон миқёсида камолига етган, даврлар синовидан ўтиб келаётган анъана ва тажрибалар асосида шаклланди.

ИБРАТ ТИМСОЛИ, ҲАЁТ МАКТАБИ

лиқни, миллий гоё, миллий маффурани тараннум этадиган асарлар қўйилаяпти.

“Ўзбектеатр”нинг биргина ўтган йилги тадбирларига назар ташлайдиган бўлсак, унинг фаолият кўлами борган сари кенгайиб бораётганлигини кўрамиз. Чунончи, театрларда саҳналаштирилаётган миллий руҳдаги янги-янги асарлардан ташқари, ижодий жамоалар жонбозлигида бир қатор байрам шодиёналари, Навоийхонлик ва Бобурхонлик кечалари ўтказиш ўзига хос анъана тусини олмоқда. Бундан ташқари, ҳарбий қисмларда ўтказилаётган “Юртининг сергак ўғлонлари”, “Ватан посбонларига тасанно” “Ягонасан, муқаддас Ватан!”, “Қўшигимиз сизга армуғон”, “Сени кутамиз, йигит” сингари театрлаштирилган концертлар ҳам аскарларимиз қалбида онаюртга муҳаббат руҳини сингди-

ришда муҳим омил бўлмоқда.

Театр санъати миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлибгина қолмай, у тарбия воситаси ҳамдир. Маҳмуд-



хўжа Бехбудий “Театр — бу ибратхонадир” деб бежиз айтмаган. Зеро, театр санъатида қаратилаётган эътибор замирида юксак мақсад мужассам. Ўтган йили Бухоро шаҳрида вилоят мусиқали драма театрининг янги биноси фойдалаштирилган концертлар ҳам аскарларимиз қалбида онаюртга замон қаҳрамони

образи яратиш бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари театр санъатига дахлдор кишилар учун дастуриламал бўлди. — Давлатимиз раҳбарининг замонамиз қаҳрамони сиймоси-

ни саҳнага олиб чиқиш бора-сидаги фикрлари барчамизга масъулиятли ваэифани юклади, — дейди “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқармаси бошлиғи Эсон Ўронов. — Шунга кўра, ўтган йилнинг сентябрь ойида “Саҳнада замон қаҳрамони” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция ўтказилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 26-28 март кунлари мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган республика театрларининг “Сени қўйлаймиз, Шунингдек, жорий йилнинг 26-28 март кунлари мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган республика театрларининг “Сени қўйлаймиз,



Айниқса, мустақиллик йилларида ушбу соҳага янада катта эътибор қаратилди. Хусусан, Президентимизнинг 1998 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 майда қабул қилинган “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори миллий театр санъати ривожини учун муҳим аҳамият касб этди. Мана, орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Хўш, ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шу вақт мобайнида қандай ишларни амалга оширди?

— 1998 йилда театр санъатида доир давлатимиз томонидан қабул қилинган ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар фаолиятимизга жон бағишлади, — дейди “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Омонулло Ризаев. — Даставвал, аксарият театрларнинг биноси янгиланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Юртимиздаги театр жамоалари мамлакатимизда ўтадиган байрамларда, оммавий сайилларда, шунингдек, маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этишаётир. Эндиликда театрларимизда мустақил-

ҳими, замонавий мавзунини ўзлаштириш, бугунги кун кишисини ўйлантирадиган муаммолар, замондошлар, уларнинг ўзига хос жиҳатларини яратиш йўлида катта жараён бошлангани эътироф этилди. Зеро, театрларнинг сунгги йиллардаги репертуари аксар ҳолда оилавий-маиший мавзулар доирасида чегараланиб қолган эди. Фестивалдан қўзланган мақсад, бугунги кун қаҳрамонини саҳнага олиб чиқиш. Бинобарин, Юрбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида шундай дейилади: “Айни пайтда театр санъатимизда ҳам бугунги ҳаётимизни, замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ҳар томонлама чуқур очиб берадиган, томошабинни ўзига тортадиган, ҳам драматургия, ҳам режиссура нуқтаи назаридан бадиий юксак асарлар, афсуски, кам эканини тан олишимиз лозим. Аксинча, реал ҳақиқатдан йироқ, одамага катта маънавий озиқ бермайдиган асарлар билан театрлар кассасини тўлдириб ҳолатлари кўпроқ кўзга ташланмоқда”.

Спектакль шунчаки саҳна асари бўлибгина қолмай, у — ибрат тимсоли, тарбия воситасидир. Шунинг учун, аввало, намойиш этилаётган саҳна асарларининг тарбиявий аҳамияти энг муҳим жиҳат саналмоқчи лозим. Бинобарин, унда миллий феъл-атвор, анъана ва одоб-ахлоқ мезонлари билан бир қаторда, юксак умумбашарий қадриятлар, инсоний қасдлар улуғланган асарларга мурожаат қилинса, айни муддао бўлур эди.

Илҳом КАРОМОВ.

Анжуман



Гулистон шаҳридаги Олим Хўжаев номи вилоят мусиқали драма театрида Президентимиз томонидан таъсис этилган “Ниҳол” мукофоти-га танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«НИҲОЛ»ГА МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

Унда тадбирнинг шаҳар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган 30 нафардан зиёд истеъдодли ёшлар мумтоз қўшиқчилик, опера ижрочилиги, эстрада, мусиқа ва рақс санъати йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Яқунда барча йўналишлар бўйича голиблар номи аниқланди ва уларга танловнинг республика босқичида иштирок этишлари учун йўлланмалар берилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР ЧИНОР ЯПРОҚЛАРИ

Помукда уста Марсни осонликча ўз уйига кетказишмайди, бир хонадонда ишини тугатди дегунча, иккинчисига бошлаб кетишади. Ору-ҳавас билан пишқ-ғиштдан уй тикламоқчи бўлган киши унинг қўли бўшагини кутади. Навбатда турганлар қанча, гоҳида оилаб унинг йўлига кўз тикишга мажбур бўлишса-да, бошқа устани қақаришмайди. Бойси, уста Марсининг қўлидан чиққан қўрилиш бошқалариникига менга-замайди, бежиримлиги, пишқ-пукталиги билан ажралиб туради.

У “Мендан кетгунча, эгасига етгунча” қабилида иш қилишни ёқтирмайди, дастёрлари ҳам шай, бели қотиб, қўли ишга келган фарзандларига касб сирларини ўргатади. Ана тўнғичи, хунар эгаллаб ўқишга киргани учун уйдагиларидан ёрдам қўтиб, юз саргайтирмайди. Универ-

ўринли эканлигига амин бўлдим, — эслайди бошқирдтатар ўғлони Марс Бахтиёров. — Қўни-қўшиллар ёлғизлашиб қўйишмади, уйдан қоса-товок қўтариб чиққани қайси, ховлини тартибга келтиргани, самовар ўрнатиб, қол қайнатгани, ўчоққа олов қалагани қайси, назардан

Шу азиз Ватан — барчамизники

ситетдаги сабоқлардан бўшади дегунча иш билан машғул бўлади.

Уста Марс қишлоқда ҳар бир хонадоннинг суоқли меҳмони бўлишга одатланган бўлса-да, икки йил илгари бошига тушган бир ширин ташвиш унга сира ором бермай қўйганди. Ким нима демасин, иш дегани ўз йўлига, тўй-маърака ўтказишда биргина таниш-билишнинг

ўтказолмай қолдим. Болаларим, қудалар хурсанд, ахир минг қўйли бойнинг тўйи ҳам бунчалик кўримли ўтмаган бўларди. Барчаси учун маҳалламиз ахлига, оқсоқолларига, мени ўз туғишганидек кўрган таниш-билишларга раҳмат.

Бу мустақилликнинг шонли 20 йиллигини нишонлам арафасида турган юртимиз миллий истиқлол гоёсида илгари сурилган миллатлараро тотувликнинг мўъжаз бир гўшадан олинган мисоли. Зеро, мамлакатимизда юзлаб миллат ва элатларнинг вакиллари бир оила фарзандларидек тинч-тотув яшаб, юрт раванки, озод ва обод Ватан келажаги учун хизмат қилмоқдалар. Уларнинг ўз тилида ўқиши, миллий урф-одатларини, адабиёт ва санъатини ривожлантириши давлат аҳамиятига молик масала қилиб қўйилган. Бугун биргина Қашқадарё вилоятининг ўзида 5 та миллий маданият маркази фаолият кўрсатаётгани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Абдуноби АБДИЕВ.

Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани

Билиб қўйган яхши

Гуручининг ҳозирги кунда йигирмадан ортиқ тури таом сифатида истеъмол қилинади. У, шунингдек, шифобахш хусусиятга ҳам эга.

Гуруч хосиятга бой

Шу боис илгари гуруч доналари дори ўрнида ишлатилган бўлса, эндиликда замонавий тиббиётда пархёз таом сифатида тавсия қилинмоқда. Жумладан, халқ таъбаотида гуруч қайнатмаси бронхит, ҳазм қилиш аъзоларининг сурункали хасталикларига қўлланилади. Гуручининг яллиз, пиез қўшиб қайнатилгани эса томоқ оғриғи ва шамоллашда, тана ҳароратини туширишда яхши самара беради.

Ўйқусизликдан сиқилсангиз...

Маълумки, кундалик ҳаётимизда энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотлардан бири қатиқ ҳисобланади.

Унинг таркибидаги А, Е, Д каби дармондорилар кишини ёшартирувчи хусусиятга эга.

Қатиқ, шунингдек, асабни тинчлантиради, уни мунтазам ичиб туриш ўйқусизликнинг

олдини олади ва кишига хотиржамлик бағишлаб, меъда ҳамда ичаклардаги микробларни йўқотишга ёрдам беради. Қатиқ ёш болаларнинг соғлом ўсишида, айниқса, жуда фойдалидир.

Қимиз қандай дардга даво?

Бия сутидан тайёрланадиган мазкур ичимлик ўпка силига қалинган кишиларга тавсия қилинади.

Чунки ундаги антибиотик моддалар тананинг юқумли касалликларга бўлган қаршилигини оширади. Бунинг учун уни ярим стакандан қунига олти маҳал, камқувват беморлар эса 500 мл. микдорда ичиши лозим. Кейинчалик бу микдорни бир кеча-кундузда икки ярим литргача етказиш мумкин.

Шуни унутмаслик кераки, юрак пороғи бор ва қон босими юқори инсонлар қимиз ичиндан тийилышлари лозим.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

ОБ-ҲАВО

(11 июнь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ёғингарчилик кузатиладими. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатиладими. Ҳарорат тунда 21-23, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуңчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 67044 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

ISSN 2010-8768

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материалли

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Фаёзиева.
Навбатчи — Ф. Абдулов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5